

Кечанинг вирдлари



18:20 / 17.04.2020 1878

Кечанинг биринчи вирди:

Қуёш ботгандан хуфтон вақтигача. Мурид шом намозини ўқиганидан кейин хуфтонгача бўлган вақтни ибодат билан ўтказишга ҳаракат қилади.

Анас розияллоҳу анҳудан Аллоҳ таолонинг: **«Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Роббиларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар»**, деган («Сажда» сураси, 16-оят) қавли ҳақида «Ушбу оят Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг шом ва хуфтон орасида намоз ўқийдиган саҳобалари ҳақида нозил бўлган», деганлари ривоят қилинган.

Кечанинг иккинчи вирди:

Қизил шафақнинг ғойиб бўлганидан уйқу вақтигача бўлган вақт. Хуфтон азони ва иқомаси орасида имкони борича нафл намоз ўқийди ва зам сурага «Сажда» ҳамда «Таборақ» сураларини тиловат қилса, яна ҳам яхши бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу икки сурани ўқимасдан ухламас эдилар.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда: «Ким ҳар кеча «Воқиъа» сурасини қироат қилса, унга камбағаллик етмас», дейилган.

Кечанинг учинчи вирди:

Ухлашдан олдин витр ўқиш. Аммо ким кечаси бедор бўлишни одат қилган бўлса, унинг витрни кейинга суриши афзал.

Масруқдан ривоят қилинади:

«Оишадан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон витр ўқир эдилар?» деб сўрадим.

«Ул зот ҳаммасини ҳам қилганлар: кечанинг аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам витр ўқиганлар. Вафот этган вақтларида у зотнинг витрлари саҳар яқин қолган пайтда эди», деди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Витрни ўқиб бўлганидан кейин уч марта «Субҳанал маликул қуддуси», деб айтади.

Кечанинг тўртинчи вирди:

Уйқу. Машойхларимиз уйқуни вирд ҳисоблашлари бежиз эмас. Агар унинг одобларига риоя этиб, ният билан қилинса, ибодат ҳисобланади.

Улуғ саҳобий Муъоз розияллоҳу анҳу: «Мен уйқоқлигимда савоб умид қилганимдек, ухлаганимда ҳам савоб умид қиламан», деган экан.

«Руҳий тарбия» китобидан